



**Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг
__9__ сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«28» март 2018 йил

Раислик қилувчи: Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

Қатнашдилар: Тошкент тиббиёт академиясининг
Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. 2017-2018 ўқув йили кузги семестрида талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари таҳлили, камчиликлар ва вазифалар.

Маърузачи – Ўқув ишлари бўйича проректори Ш.А.Боймурадов

2. Академияда бажарилаётган маҳаллий ва халқора грантлар ҳақида маълумот

Маърузачи – Илмий ишлар бўйича проректори Ф.Л.Азизова

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш.

Маърузачи – Комиссия раиси

4. Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш.

Маърузачи – ОТМ кенгаш котиби

5. Турли масалалар.

Ректор Л.Н.Туйчиев фан доктори дипломини (Норқулов С.Д. Нарзиқулова К.И.) ва доцент аттестатини (Исканова Г.Х) олган профессор-ўқитувчиларни табрикладилар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича, ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

1.1. Қўшимча қабул қилинган ва бошқа ОТМдан ўтказилган талабаларни ўзлаштиришини кафедра, деканат ва гуруҳ кураторлари билан ҳамкорликда ишлаш, уларни натижаларини биргаликда мониторинг қилиб борилиши таъминлансин.

Масъуллар: Ўқув ишлари бўйича проректор Боймуродов Ш.А., ўқув бўлими бошлиғи Азизова Ф.Х., деканлар ва кафедра мудирлари

Муддат: йил давомида

1.2. Ёш педагогларга тажрибали педагогларни бириктириб, дарслар сифати ҳамда дарслар жараёнида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиши назоратга олинсин.

Масъуллар: Ўқув ишлари бўйича проректор Боймуродов Ш.А., ўқув бўлими бошлиғи Азизова Ф.Х., деканлар ва кафедра мудирлари

Муддат: йил давомида

1.3. Кафедрада ва мувофиқлаштирувчи кенгашда гуруҳларни ўзлаштиришини мунтазам равишда муҳокама қилиниши ва фанни ўзлаштира олмайдиган талабалар билан кафедра, деканат, гуруҳ мураббийлари биргаликда ишлашлари таъминлансин.

Масъуллар: Ўқув ишлари бўйича проректор Боймуродов Ш.А., маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Т.А. Бобомуратов., ўқув бўлими бошлиғи Азизова Ф.Х., бош мураббий О.М.Миртазаев, деканлар ва кафедра мудирлари

Муддат: йил давомида

1.4. Қолдирилган дарсларни қайта топшириш бўйича ТТА низоми ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун ректорлар раёсатига таклифлар киритилсин. Шу билан бирга сабабсиз қолдирилган дарсларни қайта топширганда 0,8 коэффиценти қўлланилсин.

Масъуллар: Ўқув ишлари бўйича проректор Боймуродов Ш.А., ўқув бўлими бошлиғи Азизова Ф.Х., деканлар ва кафедра мудирлари

Муддат: йил давомида

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича Илмий ишлар бўйича проректори Ф.Л.Азизова маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган).
Маъруза ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

2.1. Тошкент тиббиёт академиясининг барча кафедралари томонидан 2018 йилда халқаро грантлар, илмий лойиҳалар танлови учун таклифлар берилиши таъминлансин.

Масъуллар: Илмий ишлар бўйича проректори Ф.Л.Азизова, деканлар ва кафедра мудирлари

Муддат: йил давомида

2.2. ТТА ходимларининг чет эллардаги қатнашган конференция, стажировка ва бошқа барча ҳамкорликдаги илмий текшириш ишлари натижалари кафедра, факультет ва ТТА кенгашларида ҳисоботлари ўтказилиши йўлга қўйилсин.

Масъуллар: Илмий ишлар бўйича проректори Ф.Л.Азизова, деканлар ва кафедра мудирлари

Муддат: йил давомида

3. Кун тартибининг учинчи саволи профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова номзодларни таништирди (матни келтирилган 1-илова).

4. Кун тартибининг тўртинчи саволи – Диссертация, монография ва ўқув услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш бўйича ОТМ кенгаш котиби Г.А.Исмаилова таништирди (2-илова).

5. Турли масалалар бўйича:

- 5.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди. (3-илова).
- 5.2. Тошкент тиббиёт академияси “Акушерлик ва гинекология 2 сонли” кафедраси мустақил изланувчиси И.А.Камилованинг 14.00.16 – “Нормал ва патологик физиология” мутахассислиги бўйича тиббиёт фалсафаси доктори илмий даражасини учун (PhD) (илмий раҳбарлар: проф.Х.Ё.Каримов, проф.Ж.Е.Пахомова) диссертация мавзусини номига айрим ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан янги мавзу номи “Клинико–экспериментальное обоснование применения отечественного препарата “Баксергель” для терапии патологии шейки матки воспалительного генеза” номли мавзуси тасдиқлансин.
- 5.3. Тошкент тиббиёт академияси мустақил изланувчи Пўлатов У.И. 14.00.27 - “Хирургия” мутахассислиги бўйича тиббиёт фалсафаси доктори илмий даражасини учун “Қандли диабет билан хаста беморларда юмшок тўқималарни турли хил йирингли касалликларида инфекция тарқалишини олдини олиш ва даволаш” диссертация мавзуси ва илмий раҳбари сифатида профессор Б.Д. Бабаджановни ёшга доир нафақага чиққанлиги ва иш юкласини кўплиги сабабли илмий раҳбар этиб профессор А.О. Охуновни тасдиқлансин.
- 5.4. ТТА илмий котиби Г.А.Исмаилова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарорининг 14-банди асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 26 март 112-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент тиббиёт

академияси таркибидаги таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг 2018 йил II-чорак учун намунавий иш режаси” тасдиқлансин.

5.5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 мартдаги 187-Ф-сонли Фармойишининг 6-бандини ижросини таъминлаш мақсадида ТГА ходимларининг бир кунлик иш хақи (10 млн сўм миқдорида) “Маҳалла” хайрия жамоат фондига ўтказилсин.

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кенгаш ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича
проректори

Ш.А.Боймурадов

Илмий ишлари бўйича
проректори

Ф.Л.Азизова

Маънавият-маърифат ишлари
бўйича проректор

Т.А. Бобомуратов

Молия иқтисодиёт ишлари
бўйича проректор

И.Х. Магзумов

Академик лицей ва коллежлар
бўйича проректор

С.Р. Баймаков

Ички назорат ва мониторинг
бўлими бошлиғи

Ў.М. Миршарапов